

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази
Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

Академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, муҳандис-педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарига амалий ёрдам

Таълимий педагогик технологиялар
(услубий қўлланма)

Самарқанд - 2012

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси
бошлиғи М.М. Холмухамедов таҳрири остида**

Тузувчилар:

- М.Н.Болиев – Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош методисти маслаҳатчиси, Ўзбекистон Халқ таълими ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими аълочиси.
- Ғ.Х.Хўжаев – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти қошидаги 1-сон академик лицей ўқитувчиси, ффн, доцент
- Ш.Ҳ.Мусурмонова – Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ижтимоий фанлар ўқитувчиси

Тақризчилар:

- Р.Р.Рустамов – Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва таълим йўналишларини бирхиллаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
- О.А.Абдикудусов - Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг педагогик технологиялар кафедраси мудири, пфн
- Ғ.Ҳ.Ҳайдаров – Тайлоқ педагогика коллежининг директори, пфн.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сонли қарори ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими эришган ютуқлар, ҳозирги кундаги камчилик ва муаммолар алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Давлатимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология асосида мутахассислар тайёрлашнинг такомиллашган тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда.

Бу албатта таълим жараёнини замон талаби даражасида ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, бажарилган ишларни таҳлил этиш ва келгусида амалга ошириладиган тадбирларни белгилашдан бошланади.

Биз, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг бош ислохотчилари замонавий таълим технологияси талаблари ва эркин бозор иқтисодиёти ривожланишига мос академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини босқичма-босқич тайёрламоқдамиз. Энди келажакдаги асосий вазифа улардаги таълим мазмуни ва мутахассисларни тайёрлаш сифатига қаратмоғимиз лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимини тубдан ислох қилиш ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини замонавий илмий тафаккур ютуқларига, илғор тажрибаларга таянган ҳолда, узлуксиз таълим тизимини барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълим жараёнини таъминловчи омил ҳамда илмий – услубий технология сифатида амалга оширишдир.

Педагог ўз мутахассислиги бўйича ўзлаштирган билимидан қатъий назар, таълим жараёнига қадам қўяр экан, педагогик - психологик билимлар, педагогик технологиялар ва ўқитиш-ўргатиш услублари йиғиндиси бўлган зарур педагогик кўникмаларни эгаллаган бўлиши керак.

Ҳозирги долзарб муаммолардан бири юқори малакали, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш, замон талаби даражасида тадбиркорлик қобилиятини шакллантириш, педагог ва муҳандис-педагогларни янги педагогик технологиялар билан қуроллантириш бўлиб қолмоқда.

Ушбу услубий қўлланманинг асосий мақсади таълим жараёнида қўлланилаётган илғор ўқитиш услублари ҳақида тушунча беришдир. Шунингдек, мазкур услубий қўлланмадан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўтказилаётган семинар-тренингларда фойдаланиш мумкин.

Педагогик технологиянинг тамойиллари ва элементлари

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усуллари излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. Қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

Ҳозирги даврда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Янги педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Узлуксиз малака ошириш;
- Мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- Лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш;
- Танланган услубларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш(таълим методлари);
- Олиниши зарур бўлган натижани олдиндан тахмин қилиш(кафолатланган мақсадга эришиш);
- Таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш.

Янги педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киради ва булар қуйидагилар:

- Ўқув бирликларини(мезонлар) белгилаш;
- Диагностик таҳлил;
- Тузатиш киритиш;
- Қайта ишлаш(тўлдириш);

- Кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш;
- Рейтинг(таққослаш).

Юкоридаги тамойиллар ва элементларга асосланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш, айниқса ривожланган давлатлардаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълимий педагогик технология тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни умумлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари – педагог ва ўқувчи ўртасида ўқув меҳнати режасини ишлаб чиқиш: яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи фаолияти ўз аксини топмоғи керак.

2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак ўқувчини янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса «оралиқ тайёргарлик» олиб бориш ва шундан кейингина ўқувчини билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш янги педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири **диагноз**(ташҳис) ҳисобланиб, ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштириш қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат.

3. Ўқув бирликлари(мезонлари)ни белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантикий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчилар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди, у учун ажратилган вақтни белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши(билиши) зарур бўлган мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни ўқувчи ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Ўқитувчи шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун ҳам ўқув бирликларини билиш ўқувчи учун зарур топ шириққа айлантирилади. Дарс режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, семестрлар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топ шириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликларни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида ташҳислаштириш амалга оширилади. Диагностика қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ташҳислаштириш;
- бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
- аниқланган етишмовчиликларини тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- яқуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайса ўқув бирликларида қийналади;
2. Ўқитувчи қайси билимларини кучайтириш лозимлигини аниқлайди.

5. Тузатиш киритиш. Бўлим, бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50%дан кам кўрсаткич олинса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади:

- Ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш(диагностик таҳлил асосида);
- Қайта ўрганиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш услубларини ишлаб чиқиши;
- Дарс режасида тузатиш киритиш вақтларини белгилаш.

6. Қайта тўлдириш(нуқсонларни тугатиш). Қайта тузатиш киритишдан мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни тузатиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалиёт машғулотларида бажарилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги «тўлдиришни» амалга оширмоғи лозим. Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур.

7. Кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилиш билан бирга, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдиға мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Педагогик технология

«Технология» атамаси юнонча сўз бўлиб, «techne» - маҳорат, санъат ва «logos» - тушунча, ўрганишни англатади. Демак, технология – ҳунар, санъат маъносини билдиради ва жараёнларни амалга ошириш усуллари ҳамда воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, улар қуйидагича таърифланади:

- Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатға олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир(ЮНЕСКО).

- Педагогик технология – бу, ўқитувчи амалиётга жорий этиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир(В.П.Беспалько).

- Педагогик технология, педагогик мақсадларнинг рўёбға чиқиши учун фойдаланиладиган шахсий, ускунавий воситаларнинг тизими мажмуасини ва фаолият кўрсатиш тартибини билдиради(М.В.Кларин).

- Педагогик технология – таълимда режалаштирилган мақсадларга эришиш жараёнининг тавсифидир(И.П.Волков).

- Педагогик технология – бу, ўқитувчининг таълим-тарбия воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёнидир (Н.С.Саидахмедов).

Педагогик технологиялар бўйича билдирилган фикрларни умумлаштирсак педагогик технология мазмуни, педагогнинг касбий фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эриши учун таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. Педагогик

технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Ўқув амалиётида педагогик технология тушунчаси қуйидаги уч даражага бўлинади:

- 1) умупедагогик технология – таълим тизимининг аниқ қисми, таълим муассасаси, таълим босқичининг маълум даври учун таълим жараёнини тавсифлайди;
- 2) хусусий предметли(услубий) даража – бир фан, гуруҳ, ўқитувчи доирасида ўқитиш мазмуни ва таълим – тарбияни амалга оширишга хизмат қиладиган усул ва воситалар мажмуаси;
- 3) локал(модулли) даража – таълим-тарбия жараёни қисмларининг технологияси(фаолият турлари технологияси, дарс технологияси, янги тушунчаларни ҳосил қилиш, такрорлаш, назорат қилиш технологияси, тарбия турлари технологияси ва ҳоказолар....).

Педагог кадрларга қўйиладиган замонавий талаблар

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим бериш маҳорати;
- Тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув – тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- Таълим оловчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила билиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «Қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделида келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича қуйида табақалаштирилган тайёргарлик йўналишлари берилган.

Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича

(педагогга қўйиладиган талаблар)

- ўқитиладиган фан мансуб бўлган тармоқ билимлар соҳасининг тарихи ва ривожланиш истикболлари;
- ўқитиладиган фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳақида;
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида;
- ўқитадиган фани бўйича ўқув дастурини;
- ўз фани ва тегишли тармоқнинг замонавий илмий ва амалий ютуқларини;
- дарс берадиган фанининг тушунчалари, атамалари ва таърифлари, қонуниятлари, тамойиллари, усуллари ва услубларини;
- илмий-амалий ижодиёт методологиясини;
- фан бўйича тегишли машғулотлар олиб боришда далиллаш ва инкор этиш усулларини;
- Илғор педагогик технологиялар, ўқув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фан бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик услубларни;
- мувофиқ соҳанинг малака ошириш учун керак бўлган касбий ахборотни билиши ва қўллай олиши;
- мутахассислиги бўйича ташкил этилган педагогик маҳоратни ошириш курсларида фаол иштирок этиш;
- ўқитадиган фани бўйича билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- фанга таълуқли турли маълумотлар(маъруза, дарс, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар)ни малакали ўтказиш ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкилий ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан самарали фойдаланиш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчининг фан бўйича олган билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг объектив шакларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Илғор педагогик технологиялар йўналиши бўйича

(педагогга қўйиладиган талаблар)

- илғор педагогик технологияларнинг илмий-услубий асосларини;
- илғор педагогик технологияларнинг тарихини;
- ўқув жараёнига ёндашиш тамойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- ўзлаштиришнинг унумли ва изланув поғоналари учун педагогик технологияларни;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор педагогик технологияларни;
- ўқув жараёнининг мувофиқ вазиятларини ўрганишга доир тушунтирув-кўргазмавий, технологик ва изланув усулларини;
- ўқитишнинг фаол усулларини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитишга технологик ва изланувчан ёндашиш усулини ишлаб чиқиш;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик, керакли ҳажмда бериш, лойиҳаларнинг мантикий тузилмаси, тузатишлар киритишни;
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг тизимини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари ва вазифалари асосида тест, ёзма ва оғзаки топшириқларни тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ахборотли технология йўналиши бўйича

(педагогга қўйиладиган талаблар)

- ахборотлардан жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан, техника ва маданиятдаги ахборот ва креатив жараёнларни;
- ахборотда жамиятни ривожлантириш муаммоларини;
- сунъий интелектнинг ахборот тизимлари ва билим бериш усулларини;
- ахборотлашнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситаларини;
- универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларини амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўқитиладиган фанга таълуқли бўлган универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларни;
- таълимда мультимедия технологиясини;
- ахборотни моделлаштириш асосларини;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини;
- ўқув материаллари ҳақида ахборотли маълумот тизимини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- глобал Интернет компьютер тармоғидан самарали фойдаланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;
- ўқув жараёнида электрон почтадан унумли фойдаланиш ва амалий кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Рейтинг тизими асосида ўқувчилар билимини баҳолаш йўналиши бўйича

(педагогга қўйиладиган талаблар)

- ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва назорат қилиш тизимларини;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини рейтинг тизимида назорат қилишнинг мақсад ва вазифаларини билиши;

- академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим даражаси, кўникма ва малакаларини назорат қилишни рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни;
- ўқувчилар билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлашни режалаштиришга доир услубий тавсиялар ҳамда кўрсатмаларни;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш учун оғзаки сўров, ёзма текширув усуллари ва тестлашни билиш ва қўллай олиш; тизимларини;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини режалаштириш, ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг билимларини турли назорат ишлари (оғзаки сўров, ёзма ишлар, тест саволлари) усулларида баҳолаш;
- ўқитилаётган фаннинг бўлимлари бўйича ва ёппасига ёзма назорат қилиш ишларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини жорий, оралик ва якуний назорат қилиш;
- ўқитилаётган фан бўйича тезкор (экспресс) назорат қилиш учун тест саволлари ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт;

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш йўналиши бўйича
(педагогга қўйиладиган талаблар)

- ривожланган давлатлар ўқувчиларининг мустақил билим олиш технологиясини билиши, унинг ташкилий ва услубий таъминлаши;
- «Шахс ахборотли муҳит» тизимидаги жараёнлар ва уларни бошқариш;
- ахборотли жамиятни ривожлантириш муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- мустақил билим олишнинг «ўқишни ўргатиш» тамойилини;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун глобал Интернет компьютер тармоғидан фойдаланишни;
- ўқитилаётган фан бўйича мустақил билим олишнинг турли ташкилий шакллари;
- лойиҳалаш тизимида ўқитишни;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун фаол ўқитиш усуллари;
- мустақил билим олишда илмий ва техникавий ижод қилиш услубларини билиши ва қўллай олишни;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкил этиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларни мустақил (турли манбалардан) билим олишларига раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларни мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш;
- мустақил билим олишда илмий билиш ва илмий тадқиқот усулларида фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Педагогик технология доирасида янги ўқув материални ўзлаштириш қуйидаги даражалардан иборат:

- I. Бошланғич даража – ўқувчининг эшитганлари уларга берилган намуналар, кўрсатмалар алгоритм асосида топшириқларни бажариш кўникмасини ифодалайди.
- II. Алгоритмик даража – билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, берилган алгоритм бўйича топшириқларни мустақил равишда бажариш кўникмасини ифодалайди.
- III. Эвристик даража – берилган ўқув вазифаларини ечиш учун ўзгаришлар киритиш асосида янги алгоритмлар тузиш, ўқув муаммосини ҳал этиш учун янги ахборотларни


мустақил тарзда излаб топиш малакасини аниқлайди.

IV. Ижодий даража – аввал ўрганилган алгоритмлардан бутунлай фарқ қилувчи, сифат жиҳатидан янги алгоритмлар туза олиш малакаси билан ифодаланади.

Педагогик технологиялар соҳасидаги янги изланишлар билан танишиш, ўқитишнинг фаол усулларини билиш ва қўллай олиш ҳар бир педагог ва муҳандис-педагогнинг олдига қўяётган замон талабларининг асосийларидандир. Кейинги даврда матбуотда эълон қилинган ахборотларни таҳлил этган ҳолда қуйидаги таълим жараёнида қўлланилаётган интерфаол усуллар ҳақида тушунчалар берилади.

Фикрлар хужуми технологияси


Фикрлар хужумининг мақсади мумкин қадар катта миқдордаги ғояларни йиғиш, ўқувчиларни айна бир хил фикрлаш инерциясидан холи этиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгитишдир. Ушбу усул бирор муаммони ечишда гуруҳ иштирокчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинади ҳамда энг самарали ҳисобланади. Бу услуб орқали шахсни техник ривожлантириш мумкин, у тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Фикрлар хужумини ташкил этишда бир гуруҳ ўқувчилар тўпланади ва улар олдига бирор муаммони вазиятни ечиш бўйича ўз ечимларини(фикр,мулоҳаза) билдиришлари сўралади. Мазкур босқичда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларни ғояси, фикрини муҳокама қилиши ёки баҳолаши мумкин эмас. Дарс жараёнида қўлланилган фикрлар хужумида билдирилган ғоя ва фикрлар муҳокама этилмайди ва баҳоланмайди.Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар, улар ҳатто бўлмағур бўлса ҳам ҳисобга олинади. қанча кўп ғоя ва фикрлар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин. Ғоя ва фикрларни билдириш учун вақт аниқ белгиланади. Услубнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиққан ғоялар танқидини мутлақ тақиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил-мутойибани рағбатлантиришдир.



Ақлий ҳужум технологияси

Ақлий ҳужум технологияси бирор муаммони ечишда гуруҳ қатнашчилари томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келадиган самарали усуллардан биридир. У тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Ақлий ҳужум услубини қўллашда ўқитувчи гуруҳ иштирокчиларини тўплайди, улар олдида бирор муаммоли вазиятни ечиш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди. Мазкур босқичда иштирокчилардан ҳеч бири бошқа қатнашувчиларнинг ғояси, фикрини муҳокама қилиш ёки баҳолаши мумкин эмас. Билдирилган ҳар қандай ғоя ва фикрлар ҳисобга олинади, қанча кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунча яхши. Билдирилган ғоя ва фикрларни тўлдириш, кенгайтириш, қайта ўзгартириш мумкин. /оаялар ёзилган варақлар деворга осиб қўйилади. Берилган ғоялар асосида муаммони ҳал этишга ёрдам берадиган ечимни тиклаш учун муҳокама ўтказилади. Бу ҳақиқатан ҳам ўқувчиларнинг таълим жараёнида фаол иштирок этишлари, турли ғояларни баён этиш чоғида бошқаларни ҳам қизғин ишга йўллашлари, илҳом билан ишлашларига имкон берувчи ва унга рағбатлантирувчи самарали методдир. Ақлий ҳужум шунинг учун ҳам фаоллаштиришнинг муҳим усулики, унда танҳо ишлаш мумкин эмас, биргина ғоя гуруҳнинг барча иштирокчиларини бир хилда ўзига тортиб олади.

Ўқитувчи мавзу ёки саволни ажратиб олиши зарур, кейин эса ўқув фаоллиги 5-10 дақиқа оралиғидаги вақт чегарасида енгиллаштирилади. Ақлий ҳужум турли тарзда қўлланилиши мумкин: масалан, қандайдир мавзунини муҳокама қилиш учун янги савол қўйиш ёки исталган қандайдир муаммони ҳал этиш ва ҳоказо.



Тармоқлар(Кластер) технологияси

Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга таалукли тушунча ёки аниқ фикрнинг эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу услуб бирон мавзунини чуқур ўрганишдан аввал ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда ўқувчиларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди.

Бумеранг технологияси

Бумеранг услуби бир машғулот давомида ўқув материалларини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмунга(муаммолар, мунозаралар ва ҳоказо) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида чиқиши мумкин.

Бумеранг технологияси танқидий фикрлаш, мантиқий шакллантиришга имконият яратди: хотирани, ғояларни, фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Скарабей технологияси

Скарабей услуби интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратди, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Ушбу технология ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақида тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. Скарабей технологияси ўқувчилар тажрибасидан фойдаланишни кўзда тутди, рефлексив кузатишларни амалга оширади, фаол ижодий излаш ва фикрий тажриба ўтказиш имкониятларига эга.

Тарози технологияси

Тарози технологияси мунозаралар, мураккаб мазмунли мавзуларни ўрганишда қўллаш мумкин. У танқидий тафаккур, мантиқ, ижодий импровизация, фикрлар тажрибаларни ривожлантиришга йўналтирилган. Бу технология далиллаш қобилиятини ривожлантириш, ўз далилларини ёзма ва оғзаки шаклда ишончли ва лўнда ифодалашни шакллантиради, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади, мухолифларни ишонттиради, мунозара маданиятига ўргатади.


Елпиғич технологияси

Елпиғич технологияси мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммолар туридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бири-бирига ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳофафа этилади. Бу интерактив технология танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратди. Елпиғич технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳофафа қилувчи кичик гуруҳларнинг, ҳар бир қатнашувчининг, гуруҳнинг фаол ишлашига қаратилган.

Кичик гуруҳларда ишлаш технологияси


Ўқитувчи ўқувчилар билан кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этиш учун фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. Мавзунинг керакли асоси яратилади. Мавзунинг ўрганишдан олдин ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. Кейин гуруҳ ўқувчилари кичик гуруҳларга, яъни 3-5 кишидан бўлинишлари керак. Ўқитувчи томонидан ўқувчиларга аниқ кўрсатмалар берилади. Берилган муаммони ечишда ўқитувчи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаб ва йўналтириб туради. Мавзу сўнгида муҳокама қилинади.

Ўқувчи кичик гуруҳларда ишлаганида, дарсда фаол иштирок этиш ҳукукига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуктаи-назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.




Мунозара технологияси

Мунозара услубида ўқитувчи ўқувчилар орасидан етакчи ўқувчини танлайди. Етакчи эса мунозара мавзусини танлайди ва қатнашувчиларни таклиф этади. Етакчи ўқувчи мунозара иштирокчиларига муаммо бўйича «Ақлий ҳужум» масаласини беради ва уни ўтказиш тартибини белгилайди. Етакчи «Ақлий ҳужум» вақтида билдирилган ғоя ва фикрларни ёзиб бориш учун котиб тайинлайди. Бу босқичда етакчи гуруҳ қатнашчиларини ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдириши учун шароит яратиб беради. Етакчи иккинчи босқичга ўтишдан олдин қисқа танаффус эълон қилади. Иккинчи босқичда «Ақлий ҳужум» иштирокчилари билдирган фикр ва ғояларни гуруҳлаштириб, уларни таҳлил қилишга ўтилади. Таҳлил орқали қўйилган вазифани энг мақбул ечимини топишга ҳаракат қилинади.



Нафис арра технологияси

Ушбу услубда дарсда ўрганиладиган мавзу номи ёзув тахтасига ёзилади ва қандай саволларга жавоб топилиши лозим эканлиги тушунтирилади. Гуруҳ ўқувчилари 5-6 кичик гуруҳларга(бошлагич гуруҳ) бўлинади ва ҳар бир гуруҳ ўрганиладиган материал бўйича алоҳида маълум мавзуларни олади. Ҳар бир гуруҳ ўрганиладиган мавзу бўйича олдиндан тайёрланган керакли материаллар папкаси билан таъминланади. Бошланғич гуруҳлар 10-12 дақиқа давомида тақдим қилинган материални ўрганади ва муҳокама қилади. Натижада ўқитувчи ўзига берилган мавзунини яхши биладиган 5-6 гуруҳ экспертларига эга бўлади. Кейинги босқичда ҳар бир гуруҳдаги иштирокчига маълум тартиб рақами берилади ва тартиб рақамлари бир хил бўлган ўқувчилардан янги(экспертлар) гуруҳлари тузилади. Мавзу муҳокамасининг 15-20 дақиқаси давомида янги экспертлар гуруҳини ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳга берилган мавзу мазмунини тушунтириб беради. Натижада умумий мавзунини яхлитлиги бўйича ўзлаштириш таъминланади. Экспертлар гуруҳининг ҳар бир аъзоси олинган ахборотни маълум бир вазиятда қўллай олишини таъминлаш учун мавзу бўйича бирор муаммоли вазият гуруҳларга берилади ва ҳар бир гуруҳ ушбу муаммони тўғри ечимини топиши лозим. Муаммо ҳар бир эксперт гуруҳида муҳокамадан ўтказилгач гуруҳларнинг сардорлари муаммо билан гуруҳни таништиради ва унинг ечимини кўрсатиб беради. Машғулот сўнгига ўқувчилар билиминини текшириб кўриш ва баҳолаш учун ўрганилган материал бўйича экспресс тест ўтказилади. Нафис арра усули ёрдамида ўқувчилар ўрганиладиган материал бўйича маълум билимга мустақил эга бўлиши, жамоа билан ишлаш малакасини олиши, ахборот билан алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлади.



Блиц - ўйин технологияси

Блиц – ўйин технологияси ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган фани асосида кўп, хилма-хил фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган. Ушбу технология давомида ўқувчилар ўзларининг мустақил фикрларини бошқаларга ўтказа оладилар, чунки бу технология шунга тўлиқ шароит яратиб беради. Блиц-ўйин технологияси ўқувчиларга тарқатилган қоғозларда кўрсатилган ҳаракатлар кетма-кетлигини аввал якка ҳолда мустақил равишда белгилаб, сўнгра ўз фикрини бошқаларга ўтказа олиш ёки ўз фикрида қолиш, ўзгалар билан ҳамфикр бўла олишга ёрдам беради.


Амалий ўйинлар технологияси

Амалий ёки ишчан ўйинлар янги мавзунини ўзлаштириш, такрорлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш вазифаларини бажариш имконини беради. Ўқув жараёнида амалий ўйинларнинг турли шаклларида фойдаланиш мумкин (таклид қилиш, ролли ўйинлар «театр дарслари ва сахна кўринишлари ва ҳоказолар»).

Таклид қилиш ўйинларида машғулот жараёнида ташкилот, корхона иши таклид этилади (иш йиғилиши, иш режасининг муҳокамаси, музокаралар, мунозараларни олиб бориш, суд, патент ташкилоти, илмий кенгашларда чиқишлар ва ҳоказо).

Ролли ўйинлар дарсида ўқувчи турли хил характердаги инсон образига қалбан киришиб кетади. Ўйинда ўқувчиларга асосан тугалланмаган вазиятлар акс этган, муаммоли сахна кўриниши роллари берилади. Ўқувчилар ушбу берилган муаммоли ролларни мустақил равишда охирига етказиб ўйнашлари лозим.

Театр дастурларида ролли ўйинларни бошқа инсонларни тушунишга ўргатади. Ушбу усул ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, ҳаётда ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тутати билишга, тарбияланганлигига ҳамда мустақил ҳаёт кечиришдаги ўзини қарашларини асослаб бера оладиган инсон сифатида шакллантиради.



Ҳамкорликда ўқиш технологияси

Ҳамкорликда ўқиш технологияси асосида машғулот ўтказиш учун гуруҳ ўқувчилари 4-5 кишилик кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда кучли, ўрта ва кучсиз ўқувчи бўлишига эътибор бериш керак. Ўқув хонасида парталарнинг қўйилиши кичик гуруҳлар ишлашига ёрдам берсин. Гуруҳ иштирокчилари доира шаклида ўтирсин ва бир-бирини кўрсин.

Ўтказиладиган машғулотга тайёргарлик давомида мавзунинг қайси қисмини ўқитувчининг ўзи тушунтириши ва ўқувчилар қайси қисмини бажариши режалаштирилади. Бунда дарсга қўйиладиган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ўқувчига қўйиладиган топшириқлар аниқ бўлиши лозим. Агар, топшириқ янги мавзуга доир саволларга жавоблардан иборат бўлса, унда кучли ўқувчига қийин саволлар берилади. Ўқувчи томонидан берилган жавобни гуруҳ иштирокчиларидан бири жавобнинг тўғри ёки нотўғрилигини дарсликдан текшириб айтади. Кейинги ўқувчи эса агар жавоб тўғри бўлса уни дафтарга ёзади. Сўнгги ўқувчи жавобни исботловчи далиллар ва мисоллар келтириши керак. Кейинчалик ўқувчилар ўз ролларини алмаштиришлари мумкин. Муҳокама якунида кичик гуруҳдаги ўқувчилар ўзларига берилган саволларнинг ҳаммасига жавоб беришлари ва уларни бутун гуруҳ муҳокамасига чиқаришлари керак.

Можаро технологияси


Можаро услуги фавқулотдаги вазиятларда қилинадиган ҳатти-ҳаракатларни ўқувчиларга ўргатиш мақсадида амалиёт машғулотларда қўлланилади. Ўқувчига муаммо юзасидан вазиятга оид ҳар қандай топшириқ кўринишидаги қисқача ахборот тақдим этилади. Берилган топшириқни таҳлил қилиб чиқиш ва 1-1,5 дақиқа ичида тезгина қарор қабул қилиш зарур. Бу услубда машғулот ўтказиш ўқувчиларнинг фикр қилишини жуда ҳам фаоллаштиради ва уларни фавқулотдаги вазиятларда ишлашга ўргатади. Бунда муҳими топшириқни тўла бажариш эмас, балки тезлик билан чаққон бажаришдир. Ўқувчи топшириқнинг биринчи галда уддалаш керак бўлган қисмини бажариши мумкинки, бу ҳам унинг ўқишида аҳамиятга эга. Мазкур услуб машғулотнинг турли босқичларида қўлланилиши билан бирга, янги материални ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлашга қаратилган асосий босқичда ҳаммадан кўп фойдаланилади.

Думалоқ стол технологияси

Думалоқ стол услубида ўқувчиларга бериладиган топшириқ ёзиб қўйилган қоғоз варағи давра бўйлаб ўтказилади. Дарсда иштирок этувчи ҳар бир ўқувчи ўзининг жавоб варағини ёзиб қўяди ва варақни бошқа ўқувчига узатади. Машғулот жараёнида ҳамма ўқувчилар ўз жавобларини ёзиб қўйишади, кейин муҳокама бўлади: нотўғри жавоблар ўчирилади, тўғри жавобларнинг сонига қараб ўқувчининг билимларига баҳо берилади. Бу усулни фақат ёзма шаклда эмас, балки оғзаки шаклда ҳам қўллаш мумкин.

Муаммони ҳал этиш технологияси

Муаммони ҳал қилиш услуги ёки муаммога қаратилган услуги – муаммони аниқлаш ва уни ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари топишга ўқувчининг тайёргарлигини текшириб кўриш учун қўлланилади. Ўқувчи бунда биринчи бўлиб муаммона аниқлаб олади. Сўнгра муаммони ечиш учун ахборотларни излайди. Изланиш чоғида ўқувчи керакли журналлар, монографиялар, дарсликлар, қўлланмалардан ва Интернет тизимидан фойдаланиши мумкин. Олинган ахборотларнинг ишончлилигини баҳолаш, уни маҳаллий шароитларда татбиқ этса бўлишини идрок этиши лозим. Ўқувчи олинган маълумотлардан хулоса чиқариши ва уларни амалда татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлади.



Қор бўрон технологияси

Ушбу услубда икки гуруҳ ўқувчилари бир муаммо ёки вазиятни энг кўп миқдорда тўғри жавоблар олиш мақсадида биргаликда муҳокама қилишади. Масалан, ўрганилаётган мавзуга доир савол топшириқлар берилади.

Ҳар бир тўғри жавоб «юмалоқланган қор» кўринишида ўша гуруҳга балл тариқасида ёзиб қўйилади. Энг кўп балл олган гуруҳга аъло баҳолар қўйилади.

Асалари галаси технологияси

Асалари галаси усулида берилган муаммони ё бутун гуруҳ ёки иккита кичик гуруҳ томонидан муҳокама қилиб чиқишга мўлжалланган. Топшириқлар ҳар хил ёки бутун гуруҳга битта бўлиши мумкин. Гуруҳлар муаммонинг ечимини 10-15 дақиқа давомида муҳокама этиб, ҳамкасбларига маълум қилишади. Бунда энг яхши жавоб варианти танлаб олинади.

Аквариум технологияси

Аквариум услубида гуруҳдан ихтиёрий равишда уч ўқувчи танлаб олинади. Булар ўқув хонасининг ўртасидан жой оладилар – гўёки аквариумдаги балиқлардек, қолган ўқувчилар эса, кузатувчи бўлишади. Шу кичик гуруҳга бир вазият таклиф этилади, улар буни 10-15 дақиқа давомида биргаликда муҳокама қилишлари, кузатувчилар эса, даврадаги гуруҳдошларининг тўғри ёки нотўғри жавобларини ёзиб боришлари керак. Аввал аквариум балиқлари фикри таклиф этилади, уни кузатувчилар муҳокама қилишади, кейин кузатувчилар ўз фикрларини таклиф этишади, шу фикрларнинг энг яхшисининг муаллифи ўз фикрини таклиф этмаган ўқувчи ўрнига кичик гуруҳга ўтади.

Бу усул худди «Нима, қаерда ва қачон?» деган ўйин сингари ўтказиш мумкин, ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган саволларни беради, ўқувчилар берилган саволларни бир дақиқа давомида муҳокама қилиб, жавоб беришади. Жавоблар қаноатланарли бўлмаса, столга бошқа уч нафар ўқувчи бориб ўтиради.

Лойиҳа технологияси

Лойиҳа услубида - таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда режалаштирилган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу услубда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак. Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Мўжизалар майдони технологияси

Мўжизалар майдони технологияси - ўқувчиларга касблар оламининг турли-туманлиги тўғрисидаги тасаввурни шакллантириш, касбларнинг номларини англаштиришдан иборат. Таълимий ўйинда гуруҳ ўқувчилари уч кишидан иборат гуруҳларга ажратилади. Гуруҳ иштирокчилари ўзаро ким биринчи, ким иккинчи, ким учинчи бўлишини келишиб оладилар. Биринчи иштирокчи бирор бир касб номини ўйлайди, лекин ҳеч кимга айтмайди. Иккинчи иштирокчининг вазифаси – имкони борича кам савол бериб, биринчи иштирокчи ўйлаган касбни топиш. Шундай саволлар бериш керакки, биринчи иштирокчи “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб берсин. Учинчи иштирокчи ўйиннинг боришини кузатади ва берилган саволларни санаб боради.

Касб номи топилгандан кейин иштирокчилар ролларни алмашадилар. Шу тариқа, ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўзини турли роллар(касб номини ўйловчи, топувчи, кузатувчи)да синаб кўради.

Ўйинни муҳокама қилиш жараёнида кузатувчилар энг кам савол бериб касб номини топган иштирокчини аниқлайдилар. Касб номини топувчилар иштирокчиларнинг қайси бирига касб номини топиш қийин ва кимга осон бўлгани, юзага келган қийинчиликларнинг сабаблари, вазифани тез бажариш имкониятлари ҳақида гапирадилар. Жавоб берувчилар касб номини топувчиларнинг қайси саволлари энг фойдали ва муваффақиятли бўлганини маълум қилишади.

Тадқиқот технологияси

Тадқиқот технологиясида – ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини олган билимлари асосида ҳали ўрганилмаган бир муаммо устида якка ёки биргалашиб изланиш олиб бориб ечишдан иборат. Бунда ўқувчи келтирилган тахминни излаб топилган далиллар асосида тўғри ёки нотўғрилигини текширади. Тадқиқот ўтказишнинг босқичлари ўқув машғулотида ҳаммага кизиқиш уйғотадиган муаммони ёки масалани қўйиш, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш учун маълумотлар тўплаш, муаммонинг ечимига оид тахминлар, башоратлар қилиш ва уларнинг қанчалик тўғрилигини тўпланган маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришдан иборат. Таълим олувчилар айрим тадқиқот

ишларини илмий асосланган ҳолда мустақил бажаришади, уларни ёзадилар ҳамда қўйилган мақсад ва натижаларни таҳлил қиладилар.

Пинборд технологияси

Пинборд технологияси - моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий метод билан боғланиб кетади. Бу усул ақлий ҳужум методининг бир қўриниши бўлиб, унда қўйилган муаммони ҳал қилиш бўйича ғоялар алоҳида қоғозчаларда ёзилиб, ёзув тахтасига магнитли ёпиштирғичлар билан ёпиштирилиб борилади. Иккинчи босқичда эса, улар турли мезонлар бўйича гуруҳларга бўлинади, сараланади ва муайян тартибда ёзув тахтасига жойлаштирилади. Мазкур метод қўлланилганда тахсил олувчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, шунингдек, ўз фикрини факат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш қўникмаси ривожланади.

Кейс стади технологияси

Кейс стади технологияси – педагогик ўйин тавсифидаги таълим усули бўлиб, у ўзида интеллектуал юксалиш ва назорат малакасини мужассамлаштиради. Унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётий вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб, муаммони ечиш жараёнида ўқув материали ҳам ифодаланади.

Кейсларни ҳал қилиш алгоритми :

1. Топширикни бериш (дарснинг технологик моделини аниқлаш)
2. Ўқитувчининг кириш сўзи (асосий саволларнинг қўйилиши)
3. 4-6 кишидан иборат микрогуруҳлар тузиш.
4. Микрогуруҳлар фаолиятини ташкил қилиш.
5. Микрогуруҳлардаги жавоблар билан танишишни ташкил қилиш.
6. Микрогуруҳлараро мунозара (полилог) ташкил қилиш.
7. Ўқитувчининг вазият ечими тўғрисидаги умумлаштирувчи сўзи.
8. Талабаларнинг эксперт томонидан баҳоланиши.
9. Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.
10. Ўқитувчининг машғулот бўйича якунловчи сўзи.

Компьютерли ўқитиш технологияси

Компьютерли ўқитиш технологияси – таълим олувчиларнинг ахборот билан ишлаш қўникмаларини шакллантирувчи, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантирувчи, оптимал ечимларни мустақил ечишга ва топишга ўргатувчи, тадқиқотчилик фаолиятларини кучайтирувчи технологиядир. Бунда билимларни баҳолаш мезонлари муҳим муаммо ҳисобланади. Ушбу технология асосан мустақил таълимга йўналтирилгани сабабли баҳолаш жараёнини ташкил этишда нафақат тестлар, балки ўқитувчининг бевосита иштироки ҳам талаб этилади. Чунки таълим олувчилар фаоллигини ва мустақил ишлаш қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Компьютерли ўқитишда ўргатувчи технологияларни қўллаш натижасида ўқув мақсадларига самарали эришилади.

Кластер технологияси

Кластер (ахборотларни ёйиш) технологияси – педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлаш, ўрганилаётган тушунча (ходиса, воқеалар) ўртасида боғланиш ўрнатиш малакаларини ривожлантиради, эркин ва очиқдан-очиқ фикрлашга ёрдам беради. “Кластер” сўзи ғунча, боғлам маъносини беради.

Кластер тузиш кетма-кетлиги:

Синф ёзув тахтаси ўртасига таянч сўз ёки ибора ёзилади.

Кичик гуруҳдаги ёки якка тартибдаги талабаларга ушбу сўз ёки иборага тегишли бўлган сўзлар ёки гапларни ёзишни талаб қилиб, “Ақлий ҳужум” ўтказилади.
Тушунча ёки ғоялар ўртасидаги боғланишни ўрнатиш талаб этилади.
Эсланган вариантларнинг барчасини ёзиш тавсия қилинади.

Муаммоли ўқитиш технологияси

Муаммоли ўқитиш технологияси – таълим беришнинг энг самарали усулларида бўлиб, у асосан илмий билимлар асосида муаммоли вазиятлар мантиқини шакллантиради. Унда ўқитувчи аввало муаммоли вазият яратади, саволлар қўяди, масалаларни, тажриба топшириқларини таклиф қилади, уларни ечишга қаратилган муҳокамани уюштиради, хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Таълим оловчилар олдинги билим ва кўникмаларига асосланиб, муаммоли вазиятни ҳал қилиш йўллари кидирадилар ва таклифлар киритадилар. Ходисалар сабабларини аниқлаган ҳолда, уларни келиб чиқишини тушунтирадилар, муаммоли вазиятни ечишнинг энг оқилона вариантини танлайдилар. Бу усул таълим оловчиларнинг қизиқишини оширади, фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Либерал услуб технологияси

Либерал услуб технологияси – анархик, бепарво. Ўқитувчи жамоа ҳаётига аралашмасликка ҳаракат қиладиган, фаоллик кўрсатмайдиган, қарама-қарши таъсирларга бўйсинадиган, обрў учун курашмайдиган услуб. Ўқитувчи – барча билан, ҳаттоки таълим оловчиларнинг ҳар қандай фикрлари билан келишиб кетаверади, мурасасоз, ўринсиз раҳмдиллик кўрсатувчи, масалага бепарво қаровчи.

Модулли ўқитиш технологияси

Модулли ўқитиш технологияси – ўқитувчи томонидан фаннинг қатор мавзуларини бирлаштирувчи бўлимларга (модулларга) ажратилиши бўлиб, одатда фан 10-15 та бўлақлардан иборат бўлади ва энг оддий ҳолларда дарсликнинг бобларига мос тушиши мумкин. Ҳар бир таълим оловчи ҳар қайси модул юзасидан изчил йўл-йўриқ олади, унда модулнинг мақсадлари кўрсатилади, ўқув ишларининг маълум турлари тавсия қилинади, модул бўйича мустақил иш топшириқлари келтирилади. Таълим оловчилар томонидан ўқув фаолияти турлари эркин танланади ва модул бўйича алоҳида синов ўтказилади.

Модулли ўқитиш – таълим беришнинг истиқболли шаклларида бири бўлиб, у таълим оловчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлан-тириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Муаммоли вазият яратиш технологияси

Муаммоли вазият яратиш усуллари:

ходисалар, ўрганилаётган тушунчалар моҳиятини тушун-тириш учун муаммоли вазифа қўйиш;

таълим оловчиларни ходисалар ва фактлар орасидаги зиддиятлар ва номувофиқликларни тушунтириб беришга ундаш;

илмий тушунчалари ва ҳаётий тасаввурлари орасидаги зиддиятни келтириб чиқарадиган факт ва ходисаларни таҳлил қилишга ундаш;

таълим оловчиларни факт, ҳодиса, ҳатти-ҳаракатлар, хуло-саларни солиштириш, қиёс қилишга ундаш;

таълим оловчиларни гўё тушуниб бўлмайдиган характердаги ва фан тарихида илмий муаммони қўйилишига сабаб бўлган фактлар билан таништириш.

Муаммоли вазият вариантлари жуда кўп бўлиб, уни ташкил қилишни турли имкониятларидан фойдаланиш мумкин.

Масофавий таълим технологияси

Масофавий таълим технологияси – ўқитишнинг янги технологияларидан бири бўлиб, у махсус ахборот тизимидир. Унда таълимнинг муддати, жойи ва вақтини ўқувчининг ўзи танлайди. Унинг характерли хусусияти - модуллик, иқтисодий самарадорлик, турли хил ахборотлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳоказолар. Ўқув адабиётлари ва воситаларига – чоп этилган материаллар, телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео кассеталар, компакт дисклар, компьютер материаллари киради. Унда таълим жараёнини бошқариш ва таълим олувчилар билимини назорат қилиш такомиллашади, тест назоратидан кенг фойдаланилади. У масофавий таълим усулларига мос ҳолда турли дидактик воситалар ёрдамида маълум бир мақсадга эришишга хизмат қилади: намоёниш этиш, тушунтириш, ҳикоя қилиш, суҳбат, машқ, масала ечиш, ёзма иш, тест топшириқларини бериш ва бошқалар.

Синквейн технологияси

Синквейн (ахборотни йиғиш) – (французча беш маъносини билдиради) ўрганилаётган материални пухта англаш учун қўлланадиган интерфаол усуллардан бири бўлиб, унда тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) йиғилган ҳолда турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Мураккаб ғоя, сезги ва ҳисоботларни бирнечагина сўзлар билан ифодалаш малакасини шакллантиради, критик фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

Синквейн – мавзуга тегишли беш қаторли сўзлар тўплами:

қаторда мавзу битта сўз бўлиб, от билан ифодаланади (ким?, нима?)

қаторда 2 та сўз – сифат (қандай?, қанақа?)

қаторда функцияни англатувчи учта сўз (фёъл)

қаторда 4 та сўздан иборат фикр (сезги)

қаторда мавзу моҳиятини такрорлайдиган, унга ўхшаш 1 та сўз ёзилади.

Янги педагогик технологиялар бўйича тест саволлари

1.«Технология» сўзининг маъносини кўрсатинг.

А. Талаб, вазифа; В. Метод ёки усул; С. Восита, алоқа; D. Хунар, санъат;Е. Малака, маҳорат.

2. Педагогик технологиянинг мазмуни нима?

А. Ўқувчининг ижодий изланиши ва ўз устида ишлаши; В. Ўқувчининг мустақил билим олиши, билим, малака, кўникмаларни чуқурлаштириш; С. Ўқитувчининг таълим беришда энг қулай усул танлаши, техника воситаларидан фойдаланиш; D. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида таълим жараёнини ташкил этиш ва билимларини чуқур ўзлаштириш; Е. Ўқитувчининг педагогик фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, билим даражасини мустаҳкамлаш.

3. Педагогик технологиянинг ривожланиш йўналишларини кўрсатинг:

А. Янги педагогик технология ва илғор технология; В. Ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув жараёни технологияси; С. Таълим технологияси ва ўқитиш технологияси; D. ЭХМ йўналиши ва таълимни компьютерлаштириш; Е. Ўқув жараёнини лойиҳалаш ва педагогик технология.

4.«Янги педагогик технология»нинг асоси нималардан иборат?

А. Ўқиш, ўқитиш, тарбия; В. Ўқув фаолияти, мотивация, таълимни бошқариш; С. Ўқув фаолияти, кўникма ва малакалар, тарбия; D. Таълим жараёни, ўқувчи, ўқитувчи; E. Таълимни бошқариш, мақсад, ўқитиш усуллари.

5. «Янги педагогик технология»да ўқитувчи қўллайдиган ўқитиш усуллари аниқланг?

А. Рейтинг тизимида ўқитиш, тест технологияси; В. Замонавий техник воситалари; С. Сухбат, маъруза, тушунтириш усуллари; D. Ўқитишнинг ноанъанавий шакллари; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.

6. «Педагогик технология»нинг таълимий мақсадини аниқланг?

А. Ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишдан иборат; В. Таълимда ўқувчи фаолиятини ривожлантиришдан иборат; С. Ўқитувчи – ўқув ва дарс мақсадига эришишдан иборат; D. Баркамол шахсни ҳар томонлама тарбиялашдан иборат; E. Ўқитиш самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдан иборат.

7. Педагогик технология даражаларини кўрсатинг...

А. Бошланғич даража; В. Алгоритмик даража; С. Якуний даража; D. Эвристик ва ижодий даража; E. А, В ва D жавоблар тўғри.

8. «Педагогик технология» тамойилларини кўрсатинг...

А. Якуний натижа, таълимнинг маҳсулдорлиги, тескари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ қўйилганлиги; В. Якуний натижа, ўқитувчи фаолияти, таълим самараси, ўқитиш сифати; С. Таълим мақсадининг аниқлиги, ўқувчи шахсини ривожлантириш, ЭХМ технологиясидан фойдаланиш; D. Ижодий изланиш, тескари алоқа мавжудлиги, ўқув фаолияти, ўқитувчи фаолияти; E. Факат В ва D жавоблар тўғри.

9. «Янги педагогик технология» таркибига кирадиган технология йўналишлари қайси жавобда тўғри берилган?

А. Шахснн шакллантириш жараёни; В. Педагогик технология; С. Эвристик технология; D. Тарбия технологияси; E. А,В,С,D жавоблар тўғри.

10. «Эвристик технология»нинг мазмунини аниқланг?

А. Муаммоли - ривожлантирувчи таълим методи; В. Вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар методи; С. Мустақил ва ижодий ишлар методи; D. Изланишга чорловчи муаммоли метод; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.

11. «Педагогик технология»нинг моҳиятини кўрсатиб беринг...

А. Таълим жараёнида мақсадга эришиш, лойиҳалаштириш, мустақил ва эркин таълимга ўтиш;

В. Таълимни лойиҳалаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини такомиллаштириш; С. Таълимда эркин вазиятни вужудга келтириш, мустақил таълимни ривожлантириш, рейтинг тизимини такомиллаштириш; D. Техник воситалардан фойдаланиш, ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги; E. Таълим жараёнини эркинлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини такомиллаштириш.

12. Таълим технологиясининг кўринишларини аниқланг? А. Педагогик технология, таълим технологияси, модуллашган технология, ўқитиш технологияси, педагогик неология, педагогик проксология; В. Педагогик технология, модуллашган технология, педагогик аксиология, педагогик неология, педагогик проксология; С. Педагогик технология, педагогик аксиология, педагогик неология, педагогик проксология, таълим технологияси, ахборотли технология. D. Педагогик технология, модуллашган технология, таълим технологияси, янги технология; E. А, В ва D жавоблар тўғри.

13. Педагогик технологиянинг ташкил этувчи босқичларини аниқланг... А. Аналитик, синтетик, инновацион, концептуал, техник; В. Мақсадли, аналитик, синтетик, лексикологик, компонентли, таълимли; С. Аналитик, концептуал, мақсадли, мазмунли, жараёнли, педагогик менежмент; D. Инновацион, концептуал, техник, лексикологик; E. Мазмунли, жараёнли, таълимли, компонентли.

14. Педагогик технология мониторингини кўрсатинг... А. Баҳо қўйиш, ўқитиш, таълим-тарбия, ўзлаштириш, қайта ишлаш, билимларни чуқурлаштириш; В. Ўрганиш, эсда сақлаш, тушуниб етиш, таҳлил қила олиш, татбиқ эта билиш, синтез, баҳо олиш, янги

билимга ўтиш; С. Янги билим бериш, эркин таълим, ижод қилиш, ўрганиш, эсда сақлаш, таҳлил эта билиш, баҳо олиш; D. Таҳлил қилиш, баҳо олиш, янги билимларни ўзлаштириш ва чуқурлаштириш; E. Ўқиш, ўрганиш, қайта ишлаш, амалда қўллаш.

15. «Янги педагогик технология» жараёнларининг даражалари қайси жавобда тўғри берилган?

A. Бошланғич, намунали, эвристик, яратувчанлик, мустақиллик; B. Алгоритмик, эвристик, ижодий, бошланғич; C. Эвристик, алгоритмик, эркинлик, такомиллашган, бошланғич; D. Ташкилотчилик, яратувчанлик, мустақиллик, ижодкорлик; E. Тадбиркорлик, алгоритмик, эвристик, намунали.

16. «Таълим технологияси» сўзининг мазмунини аниқланг? A. Таълим мақсадига эришиш қуроли ва воситаси; B. Таълимдаги санъат ва маҳоратни юксалтириш; C. Таълим усуллари ва воситалари; D. Ўқитиш турлари ва назорат шакллари; E. Назорат турлари ва сўров шакллари.

17. «Педагогик технология»да ўқувчининг таълим жараёни қандай тузилади?

A. Суҳбат, ҳикоя, маъруза, якка тартибда ўқитиш, компьютерлаштириш, амалиёт билан боғлаш, мулоқотни чуқурлаштириш, эътиқодни шакллантириш;

B. Маъруза, мустақил ўқиш, аудио-видео техника асосида ўқитиш, кўргазмали намоишлар орқали ўқитиш, амалиёт билан боғлаш, баҳс-мунозара, суҳбат, якка тартибда мустақил ишлаш; C. Назарий, амалий, якка тартибда, аудио-видео орқали ўқитиш, баҳс-мунозара, суҳбат, эркин, мустақил ишлаш; D. Ҳикоя, суҳбат, ўзлаштирган билимларни чуқурлаштириш, мустақил ўқиш; E. Якка тартибда ишлаш, баҳс-мунозара, техник воситалар асосида ўқитиш, амалиёт, назарий.

18. «Янги педагогик технология» тамойилларини кўрсатиб беринг...

A. Белгиланган якуний натижа, олинган билимларни қайта ишлаш, якка тартибда чуқур ўзлаштириш, таълим мақсадига эришиш; B. Кафолатланган якуний натижа, таълимнинг самарадорлиги, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; C. +айтувчан алоқанинг мавжудлиги, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг уйғунлиги, таълим мақсадининг аниқлиги, чуқур ўзлаштиришнинг борлиги, якуний натижалар; D. Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш, якка тартибда чуқур ўрганиш, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; E. Якуний натижага эришиш, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, ўзлаштиришнинг такомиллашуви, таълимнинг самарадорлиги.

19. «Педагогик технология» жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари қандай?

A. Фаол, барқарор, беқарор - ижобий; B. Беқарор - ижобий, барқарор - суст, беқарор; C. Беқарор - ижобий, суст - ижобий, барқарор - фаол; D. Суст - салбий, фаол - ижобий, суст; E. Барқарор - ижобий, фаол - ижобий, беқарор - салбий.

20. «Педагогик технология»да шахсни ривожлантирувчи таълимнинг ўрни ва мазмуни нималардан иборат?

A. Инкорпорация, яратувчилик, эркинлик, мустақиллик, табиийликни ҳис этиш; B. Мослашганлик, инкорпорация, яратувчанлик, табиийликни ҳис қилиш; C. Табиийликни ҳис қила олишлик, мустақилликка эриша олиш, ўқитувчи билан мулоқот қила олиш, фаолиятни уйғунлаштириш; D. Ўқитувчи билан ҳамкорлик қилиш, мустақил фикрлай олиш, яратувчанлик; E. Табиийликни сезиш, мослашганлик, эркинлик, ҳамкорлик, яратувчанлик.

21. «Педагогик технологиями ишлаб чиқишдаги таҳлилий босқичнинг мазмунини кўрсатинг...

A. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунлари, кадрлар тайёрлаш миллий модели; B. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий модели, Давлат таълим стандартлари; C. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Давлат таълим стандартлари, «Таълим тўғрисида»ги қонуни, D. Кадрлар тайёрлаш миллий модели, «Таълим тўғрисида»ги қонуни; E. Давлат таълим стандартлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонуни.

22. «Педагогик технология»да ўқув жараёнининг тузилишини кўрсатинг...

А. Ўқитиш, бошқариш, билим фаолияти; В. Бошқариш фаолияти, билим фаолияти, мотивация; С. Мотивация, ривожлантириш, мақсадга эришиш фаолияти; D. Билим даражалари, ўзлаштириш, такомиллашув; E. Ўқиш, ривожланиш, амалий кўникма.

23. «Янги педагогик технология» элементларини кўрсатиб беринг...

А. Ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар, диагноз қўйиш, тузатиш киритиш, диагностик таҳлил, рейтинг;

В. Диагностик таҳлил, ўқув бирликликлари (мезонлари)ни аниқлаш, диагноз қўйиш, тузатиш киритиш ёки коррекция, рейтинг, қайта тўлдириш, натижа; С. Натижа, кузатиш, мақсадни белгилаш, таълимни такомиллаштириш, тузатиш киритиш, натижа кўрсатиш, рейтингни амалга ошириш; D. Диагноз қўйиш, тузатиш киритиш ёки коррекция, рейтинг, қайта тўлдириш, якуний натижа, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар; E. Мақсадни белгилаш, таълимни такомиллаштириш, тузатиш киритиш, натижа кўрсатиш, ўқув режалар, ўқув дастурлар.

24. Рейтинг тизимида қайси сўров турларини қайта топшириш мумкин?

А. Жорий, оралиқ, якуний; В. Оралиқ, якуний; С. Якуний, жорий; D. Жорий, оралиқ; E. В, С, D жавоблар тўғри.

25. Оралиқ назорат ўқув семестри давомида неча марта ўтказиш тавсия этилади?

А. Бир марта; В. Икки марта; С. Уч марта; D. Икки ёки тўрт марта; E. Хоҳлаганча.

26. Давлат таълим стандартларини бажариш қандай таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади?

А. Олий ўқув юртлари; В. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари; С. Умумтаълим мактаблари;

D. Мактабгача таълим муассасалари; E. Барча жавоблар тўғри.

27. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув режасини ким тасдиқлайди?

А. Халқ таълими вазирлиги; В. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; С. Ўрта махсус, касб-хунар таълим Маркази ва соҳа вазирликлари; D. Соҳа вазирликлари;

E. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари.

28. Миллий дастур бўйича кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш нимага қаратилган?

А. Мутахассисларнинг касбий билимлари, кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш;

В. Мутахассисларнинг билим ва қобилиятларини ривожлантириш;

С. Мутахассисларнинг билимларини кенгайтириш, малакаларини ривожлантириш;

D. Ихтисослик бўйича билимларни такомиллаштириш; E. Янги технологиялар асосида билимларини кенгайтириш.

29. «Таълим технологияси» тушунчасини изоҳлаган жавобни кўрсатинг...

А. Ўқувчига билим тушунча беришнинг қонун-қоидалар йиғиндиси; В. Таълим мақсадига эришиш курали, яъни олдиндан лойиҳалаштирилган таълим жараёнининг яхлит тизим асосида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш;

С. Таълим - тарбияни юқори даражага кўтариш;

D. Таълимни янги технологиялар асосида ташкил этиш;

E. Тарбияни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш.

30. Педагогик технологиянинг тамойилларини берилган жавоблардан кўрсатинг...

А. Инкорпорация, мослашганлик, яратувчанлик;

В. Кафолатланган якуний натижа, таълимнинг самарадорлиги, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги; С. Аналитик концептуал, мазмунли ва жараёнли таълим; D. Намунавий ўқув жараёни, рейтинг тизими, ижобий натижа;

E. Давлат стандартлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш, такомиллаштириш, таълим самарадорлиги.

31. Педагогик технологиянинг қандай даражалари мавжуд?

А. Барқарор, ижобий, суст; В. Дастлабки, алгоритмик, мақсадли, яратувчанлик, эвристик;

- С. Бошланғич, алгоритмик, ижобий, эвристик; D. Беқарор, фаол, такомиллашган; E. Мақсадли, барқарор, фаол.
32. Давлат таълим стандартлари деганда нимани тушунасиш?
- A. Таълим мазмунининг шакллари, воситалари, усуллари сифатини баҳолаш тартибини белгилайди; B. Таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда таълим муассасасининг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжати; C. Таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади; D. Таълим-тарбия шароитини аниқлайди; E. Тарбия мазмунини яратишга асос бўлади.
33. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими мақсади жавобларнинг қайси бирида тўғри берилган?
- A. Ўқувчи шахсининг сифат кўрсаткичини аниқлайдиган сонли кўрсаткич; B. Ўқувчиларни доимий баҳолаш ва олган баҳоларини таққослаб бориш; C. Ўқувчиларда ўқишга интилиш ва ўзаро беллашишга имконият яратиш, баркамол шахс сифатида тарбиялаш; D. Мукамал билим олиш, ўзлаштирган билимларини чуқурлаштириш; E. B ва D жавоблар тўғри.
34. «Педагогик технология»да инновация тушунчасининг изоҳи қайси жавобда берилган?
- A. Янгилик, ислоҳ, қайта қуриш; B. Ислоҳ, янгилик, туб ўзгариш; C. Янгилик, такомиллашув, ислоҳ; D. Туб ўзгартириш, янгилик, ривожлантириш; E. +айта ўзгартириш, ислоҳ қилиш, янгилик киритиш.
35. Педагогик технология сўзининг ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган таърифида асосий таянч ибора қандай ифодаланади?
- A. Педагогик технология, янги технология; B. Педагогик маҳорат, илғор тажриба; C. Тизимли метод, педагогик тизим; D. Педагогик жараён, ўқув-тарбия иши; E. Билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш.
36. Педагогик технология сўзининг академик Беспалько томонидан берилган таърифида асосий таянч ибора қандай ифодаланади?
- A. Илғор технология, педагогик технология; B. Педагогик маҳорат, илғор тажриба; C. Педагогик йўналиш, тизимли метод; D. Маънавий-маърифий ишлар, педагогик жараён; E. Билим, кўникма, малакаларни ўзлаштириш даражаси.
37. Педагогик технологияларнинг «Янгилик» муддати тахминан неча йил ҳисобланади?
- A. 3 - 5; B. 30 - 40; C. 20 - 25; D. 5 - 10; E. 50.
38. Янги педагогик технологиялар қандай меъёрий ҳужжатлар орқали Ўзбекистонга кириб келди?
- A. «Таълим тўғрисида»ги Қонун; B. «Соғлом авлод» Дастури; C. Ўқув режалари, дастурлар; D. «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
39. Янги педагогик технологияларда таълим муассасасининг диагностик мақсади нима?
- A. Умумтаълим фанларини ўқитиш; B. Умумқасбий ва махсус фанларни ўқитиш; C. Давлат буюртмаси - малакали мутахассис тайёрлаш; D. Барча фанларни ўқитиш; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
40. Янги педагогик технологияларда факультет ва кафедранинг диагностик мақсади нима?
- A. Умумтаълим ва касбга йўналтирувчи фанларни ўқитиш; B. Умумқасбий ва махсус фанларни ўқитиш; C. Давлат буюртмаси асосида - малакали мутахассис тайёрлаш; D. Ўқув режада белгиланган барча фанларни ўқитиш; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
41. «Тест» сўзининг маъноси нима?
- A. Грекча «Баҳолаш»; B. Латинча «Синайман»; C. Инглизча «Синов»; D. Русча «Назорат»; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
42. Тестларда тўғри жавоб нима дейилади?
- A. Калит; B. Тўғри жавоблар; C. Ҳақиқий жавоб; D. Эталон жавоб; E. Тарози ёки барчаси тўғри.

43. «Рейтинг» сўзининг маъноси нимани англатади?
А. Грекча «Баҳолаш»; В. Инглизча «Кўрсатгич»;
С. Италиянча «Синайман»; D. Лотинча «Назорат»;
Е. Русча «Синов».
44. Рейтинг баҳолаш тизими жараёнининг асосий мазмунини англатадиган таянч ибора нима?
А. Жорий назорат; В. Педагогик назорат; С. Оралиқ назорат; D. Якуний назорат; Е. Назорат босқичлари.
45. Янги педагогик технологияларнинг тузилиши, мазмуни қайси асосий ҳужжатларда ифодаланади?
А. Давлат фармонлари, қарорлари, қонунлари; В. Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури; С. Ўқув - методик мажмуа; D. Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ҳужжатлари; Е. Вазирлик кўрсатмалари.
46. Ўқувчи ва ўқитувчи учун янги технологик таълим мазмуни қайси дидактик воситада мукамал ифодаланади?
А. Дарслик; В. Ўқув режа; С. Ўқув дастури; D. Ўқув - услубий қўлланмалар; Е. Услубий тавсия ва йўриқномалар.
47. Тестларнинг ишончилиги нимани ифодалайди?
А. Ўқув дастури мазмунини белгилаш; В. Ўзлаштириладиган билимларни; С. +ўлланилишнинг мақсадга мувофиқлигини; D. Баҳолашнинг ҳаққонийлигини; Е. Ўқув режада белгиланган фанлар.
48. Дидактик назорат воситаларнинг(тестларнинг) мазмуний мослиги деганда нима тушунилади?
А. Воситаларнинг мазкур гуруҳга мослиги; В. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ўзлаштириш даражаси; С. Дастурдаги билимлар ҳажми; D. Восита - дастур, гуруҳ- ўқувчи ёши; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
49. Биринчи даражали тестларга нималар киради?
А. Таниб олиш; В. Фарқлаш; С. Таққослаш; D. Сохта;
Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
50. Иккинчи даражали тестларга нималар киради?
А. Ахборотларни эслаш, хотирлаш; В. Ўрнига қўйиш, тузиш; С. 1-даражали тестлар; D. Фарқлаш, таққослаш, таниб олиш; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
51. Учинчи даражали тестларда асосан қандай ўзлаштириш даражаси аниқланади?
А. Билимлар; В. Кўникмалар; С. Малакалар; D. Касбий маҳорат; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
52. Тўртинчи даража тестларда аниқланадиган ўзлаштириш даражаси нима деб аталади?
А. Билим; В. Кўникма; С. Малака; D. Касбий маҳорат;
Е. Ижодкорлик.
53. Янги педагогик технологиялар қандай босқич билан яқунланади?
А. Якуний назорат; В. Давлат имтиҳони; С. Диплом ёки сертификат олиш; D. Давлат аттестацияси;
Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
54. Янги педагогик технологияларда ўқувчилар билимини баҳолашда қандай назорат тизимидан фойдаланилади?
А. 5 - баллик; В. 12 - баллик; С. Кўп баллик; D. 100 баллик; Е. 1000 баллик.
55. Мультимедия технологияси нима?
А. Ахборотларни сақлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, узатиш; В. Янги ўқув режалари тузиш;
С. Таълим ва тарбиянинг янги технологияси; D. Янги ишлаб-чиқариш технологияси; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.
56. «Интернет» тизими қайси таълимда кўпроқ қўлланилади?
А. Янги таълим тизимида; В. Аниқ фанларни ўқитишда;
С. Физика, математика, кимё; D. Информатика, Информацион технология; Е. Табиий ва

ижтимоий.

57. Янги педагогик технологияларнинг ўтмишдаги негизи нима?

А. Эски таълим тизими; В. Таълим-тарбия, педагогика;
С. Педагогик илғор тажрибалар; D. Тестлар, кўп баллик тизим; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

58. Янги педагогик технологияларда асосий ҳаракатлаштирувчи куч нима?

А. Янгилик; В. Мазмун, вазифа; С. Таълим-тарбия;
D. Натижа, маҳсулот; Е. Восита, ўқитувчи.

59. Ўқитувчи педагогик маҳоратини ифодаланиш даражасига нима дейилади?

А. Хизмат малакаси; В. Хизмат тоифаси; С. Хизмат даражаси, унвони; D. Илмий даражаси, разряди;
Е. Эгаллаб турган лавозими.

60. Ўқув дастурини тузишда риоя қилинадиган асосий талабларни кўрсатинг...

А. Янгилик, тарихийлик; В. Замонавийлик, изчиллик;
С. Мантиқийлик, новаторлик; D. Жозибадорлик, оддийлик; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

61. Янги педагогик технологияларни амалга оширадиган асосий дидактик воситалар қайси жавобда берилган?

А. Ўқитишнинг техник воситалари, компьютер; В. Ўқув машғулоти, мустақил ишлаш;
С. Дарс - назарий, амалий, ишлаб чиқариш; D. Кўргазмалилик, таъминот;
Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

62. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасида педагогик жараёни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат нима?

А. Ўқув режа, дастур; В. Таквим мавзу режа; С. Раҳбарият буйруқлари; D. Тезкор ҳужжатлар, фармонлар; Е. Дарс жадвали.

63. Янги педагогик технологияларни жорий қилишда ҳал қилувчи жараёни кимлар амалга оширади?

А. Ўқувчилар ва ўқитувчилар; В. Ота-оналар, маҳала фаоллари; С. Ўқув юрти ва корхона раҳбариятлари;
D. Юқори ташкилотлар; Е. Педагогик жамоа.

64. Энг кўп фойда келтирувчи дарс машғулоти турига нима дейилади?

А. Янги билимларни ўзлаштириш, назария; В. Амалий машғулоти; С. Такрорлаш, компьютер; D. Ишлаб чиқариш машғулоти; Е. Диплом олди амалиёти.

65. Педагогик жараён, таълим тизими ва технологияларнинг сифатини аниқловчи Давлат тадбири қандай номланади?

А. Имтиҳон, синов; В. Дарс машғулоти; С. Аттестация; D. Маҳорат даражаси; Е. Малака тоифасини белгилаш.

66. Янги педагогик технологиялар натижасини белгиловчи жавобни кўрсатинг...

А. Давлат имтиҳони, аттестация; В. Билим, кўникма, малака; С. Синов, мустақил машғулоти; D. Ўқувчилар ва ўқитувчилар фаоллиги; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

67. Академик лицейларда ўрганиладиган фанлар қандай гуруҳларга бўлинади?

А. Сиёсий-ижтимоий; В. Табиий, аниқ, иқтисодий; С. Умумтаълим, чуқурлаштирилган, махсус; D. Маънавий-маърифий, ривожлантирувчи; Е. Ижтимоий-иқтисодий.

68. Касб-хунар коллежларида ўқитиладиган фанлар жавобларнинг қайси бирида тўғри берилган?

А. Ижтимоий-гуманитар, сиёсий; В. Умумтаълим, умумкасбий, махсус; С. Табиий, аниқ, иқтисодий;
D. Маънавий ва маърифий; Е. Касбга йўналтирувчи ва ривожлантирувчи.

69. Дарсларда қўлланиладиган техник ўқитиш воситаларига нималар киради?

А. Телевизор ва радио; В. Магнитофон ва компьютер;
С. Станок ва ишлаб чиқариш қурилмалари; D. Кодоскоп, диаскоп ва аудиовизуал воситалар; Е. Жавобларнинг барчаси тўғри.

70. Жорий назоратдаги сўровлар сони нечтадан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ?
А. 10; В. 6; С. 8; D. 12; E. 15.
71. Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг тест методининг камчилиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқотда бўла олмаслиги; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши; D. ЭХМ қўллашнинг қийинлиги; E. Баҳолашнинг кўпол шкаласи.
72. Ўқувчилар билимларини ўзлаштириш сифатини назорат қилишнинг анъанавий методлардаги камчиликлар қайси жавобда нотўғри берилган?
А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқотда бўла олмаслиги; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сарфланиши; D. ЭХМ қўллашнинг қийинлиги; E. Баҳолашнинг кўпол шкаласи.
73. Ўзлаштирилган билимларни ҳар қандай вақт оралиғида ошишига баҳо бериш имконини берадиган сўровнинг шакли?
А. Оғзаки сўров; В. Ёзма иш; С. Тест; D. Уйга вазифа; E. Мустақил иш.
74. Қайси рейтинг бали ўқув юртлараро энг яхши ўқувчини аниқлашга имкон беради?
А. Максимал рейтинг бали; В. Реал рейтинг бали; С. Нисбий рейтинг бали; D. Ҳақиқий рейтинг бали; E. Минимал рейтинг бали.
75. Тест топшириқларининг энг юқори даражасини кўрсатинг...
А. Репродуктив; В. Билиб олиш; С. Ижодий; D. Продуктив; E. Юксак.
76. Билиш соҳасидаги ўқув мақсадларининг тоифалари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?
А. Билим, тушуниш, қўлланиш, таҳил, синтез, баҳо қўйиш; В. Билим, тушуниш, ижод, қўлланиш, синтез, баҳо қўйиш; С. Билим, интуиция, қўлланиш, таҳлил, синтез, баҳолаш; D. Билим, тушунтириш, истейдод, таҳлил, синтез, баҳо қўйиш; E. Билим, ўзлаштириш, ижодкорлик, такомиллашув, сезиш, кўникмани эгалаш.
77. Энг кенг тарқалган тест топ шириқлари турини кўрсатинг...
А. Очик; В. Ёпиқ; С. Мувофиқлик; D. Кетма-кетлик; E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
78. Қайси сўровнинг аниқ ўтказилиш муддатини кўрсатиш қийин?
А. Тест; В. Диктант; С; Оғзаки; D. Лаборатория иши; E. Карточка сўрови.
79. Билим сифатини аниқлашда қайси усулнинг муҳимлик даражаси юқори?
А. Оғзаки имтиҳон; В. Ёзма имтиҳон; С. Тест; D. Бошқотирма; E. А ва D жавоблар тўғри.
80. Билиш соҳасида ўқув мақсадларининг Б.Блум таксономияси нечта даражадан иборат?
А. 4; В. 5; С. 6; D. 7; E. 8.
81. Педагогик таълимнинг таянч ибораси нимадан иборат?
А. Ривожлантирувчи таълим; В. Догматик таълим; С. Технократик таълим; D. Миллий таълим; E. Диний таълим.
82. Педагогик муносабатларни гуманитарлаштиришга асосланган илғор педагогик технологияларга қуйидагилардан қайси бири киради?
А. Ҳамкорликда ўқиш; В. Шахсни ривожлантиришга қаратилган технологиялар; С. Эркин тарбия технологиялари; D. Адаптив тарбия технологияси; E. А — D жавобларнинг ҳаммаси.
83. Илғор педагогик технологиялар қайси белгиларга қараб турларга ажралади?
А. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштириш; В. Таълим жараёнини самаралироқ ташкил этиш; С. Ўқув мазмунини услубий ўзгартириш; D. Педагогик муносабатларни гуманитарлаштириш; E. А, D жавобларнинг ҳаммаси.
84. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштиришга асосланган илғор педагогик технологияларга

қуйида кўрсатилганлардан қайси бирлари киради?

А. Ўйинлар; В. Муаммоли ўқитиш; С. Таянч белгиларга асосланган ўқитиш; D. Лойиҳалар усули; E. А, D жавоблар ҳаммаси.

85. Анъанавий таълим жараёни билан гуманистик таълим орасида асосий фарқ нимада?

А. Тайёр билимларни эгаллашда; В. Такрорлашда;
С. Шахсга муносабатда; D. Ахборот технологияларида;
E. А-D жавоблар орасида тўғриси йўқ.

86. Моделлашган технологиянинг асосий белгиси нимадан иборат?

А. Ахборот тизими; В. Ишчан ўйинлар; С. Компьютер технологияси; D. Таълим мазмунини тартибга солиш;
E) Ўқувчи фаоллигини ошириш.

87. Таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатлар бўйича анъанавий ва илғор педагогик технологиялар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Барқарор-ижобий В. Суст-ижобий С. Ишонтириш-диалог D. Эркин-қаттиқ интизом E. Авторитар-гуманистик.

88. Муаммоли вазиятларни ҳосил қилишнинг услубий воситалари келтирилган жавобни кўрсатинг?

А. Ўқув мавзусида зиддиятни кўрсатиш; В. Бир масалага турли нуқтаи назарларни келтириш; С. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган ёки ортиқча бўлган масалаларни қўйиш; D. Ўқувчиларни – таққослаш, умумлаштириш, вазиятни таҳлил этишга ундаш;
E) Жавобларнинг барчаси тўғри.

89. Билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилувчи тест усулининг камчилиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Имтиҳон олувчининг ўқувчи билан мулоқотда бўла олмаслиги; С. Назорат саволлари тузишдаги қийинчиликлар; D. А, В, С жавоблар тўғри;
E) В, С жавоблар тўғри.

90. Билимларни ўзлаштириш сифатларни назорат қилишнинг анъанавий усулларидаги камчиликлар...

А. Баҳолашдаги субъективизм; В. Баҳолашнинг қўпол шкаласи; С. Ўқитувчилар вақтининг кўп сақланиши;

D. А, В, С жавоблар тўғри; E. А, С жавоблар тўғри.

91. Қўллаш даражасига кўра педагогик технологиялар синфи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Умумпедагогик, монотехнология; В. Умумпедагогик, хусусий фан, модул технологиялари; С. Хусусий фан, модул технологиялар; D. Бихевиористик, гештальт технология; E. Материалистик, идеалистик.

92. В.П.Беспалько фикрига кўра таълим жараёнини бошқаришнинг қандай турлари мавжуд?

А. Ёпиқ, очик; В. Фақат ёпиқ; С. Фақат очик; D. Тарқоқ, йўналтирилган; E. Тарқоқ очик.

93. В.П.Беспалько фикри бўйича таълим жараёнида информация беришнинг қандай турлари мавжуд?

А. Ёпиқ, очик; В. Фақат ёпиқ; С. Фақат очик; D. Тарқоқ, йўналтирилган; E. Тарқоқ.

94. Бошқариш механизми турларига кўра таълим жараёни қандай синфларга бўлинади?

А. Очик, ёпиқ; В. Тарқоқ, йўналтирилган; С. Оддий автоматлаштирилган; D. Тарқоқ, очик;
E. Ёпиқ, оддий.

95. Анъанавий таълим жараёни элементлари қайси жавобда тўла кўрсатилган?

А. Бошқарув-очик, тарқоқ информацион жараён, оддий бошқариш; В. Бошқарув-очик, йўналтирилган информацион жараён; С. Бошқарув-очик, автоматлашган бошқариш; D. Бошқарув-очик, тарқоқ информацион жараён; E. Йўналтирилган информацион жараён.

96. Компьютерлашган таълим жараёни элементлари қайси жавобда тўла кўрсатилган?
А. Бошқарув-очик, информацион жараён тарқоқ, бошқариш оддий; В. Бошқарув-очик, информацион жараён тарқоқ, бошқариш автоматлашган; С. Бошқарув-ёпиқ, информацион жараён йўналтирилган; D. Бошқарув-очик; E. Бошқарув ёпиқ.
97. Ўқув омиллари яратишга асосланган педагогик технологияда ўқитувчининг ўқувчиларга коммуникатив таъсирларга қандай усуллар қиради?
А. Ишонтириш методи В. Ишотли натижаларга асосланиш усули; С. Бевосита ва билвосита таъсир усули; D. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир усуллари;
E. Жавобларнинг барчаси тўғри.
98. Компьютерлашган телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш учун нимани билиш керак?
А. Электрон почтадан фойдаланиш; В. 08 ва /У1НВ(Ж8 системаларда ишлай олиш; УОКО редакторини билиш; С. Электрон анжуманларга кириш, унда ўзингизнинг маълумотларингизни бериш; D. Интернет тизимидан фойдаланиш; E. Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.
99. Ривожлантирувчи таълим жараёнига мос келувчи услубий воситаларни кўрсатинг?
А. Репродуктив усул; В. Синф-дарс усули ва фронтал усуллар; С. Индивидуал мустақил фаолият D. Изланувчан, тадқиқот усуллари; E) С ва D жавоблар.
100. Янги педагогик технологиялардан бўлган "Лойиҳалар усули" асосида нималар ётади?
А. Ўқувчиларда билиш кўникмаларининг ривожланиши; В. Ўз билимларини мустақил шакллантириш; С. Информациялар маконидан кераклигини топа олиш; D. Танқидий фикрлаш; E. Жавобларнинг ҳаммаси тўғри.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саидахмедов Н.С. «Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари», Тошкент, 2000 йил.
2. Азизхўжаева Н.Н. «Замонавий педагогик технологиялар», Тошкент, 2002 й.
3. Ишмуҳамедов Р.Ж. «Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари», Тошкент, 2004 й.
4. Саидахмедов Н.С. «Янги педагогик технологиялар», Тошкент, 2004 йил.
5. Хўжаев /Х., Куватов А.К., «Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни қўллаш», Самарқанд, 2004 йил.